

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING ҚАРОРИ

## **612** 2016 — 2018 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Электрон тижорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2015 йил 22 майдаги ЎРҚ–385-сон Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 8 сентябрдаги 259-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

#### 1. Қуйидагилар:

2016 — 2018 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш концепцияси 1-иловага мувофиқ;

2016 — 2018 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича тадбирлар комплекси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар 2016 — 2018 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш концепциясининг (кейинги ўринларда Концепция деб аталади) асосий вазифалари этиб белгилансин:

электрон тижорат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш; келгусида ушбу бизнес-сегментда ривожланган мамлакатларга яқинлашган даражага эришишни назарда тутган ҳолда электрон тижорат соҳасида тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

электрон тижорат инфратузилмасини, шу жумладан телекоммуникациялар тармоғини янада ривожлантириш ва модернизациялаш;

товар айланмасини, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, истеъмол бозори талабига мувофиқ ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш;

интеграциялаштирилган савдо ва маркетинг платформаларини, интернет-магазинларни, янада такомиллаштирилган тўлов тизимларини, шунингдек электрон тижоратда логистика тизимини яратиш;

тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бар-тараф этиш, халқаро стандартларга йўналтирган ҳолда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш;

электрон тижорат соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ўрганиш, таҳлил қилиш ва қўллаш.

3. 2016 — 2018 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида электрон

тижоратни ривожлантириш концепцияси амалга оширилишини таъминлаш бўйича Идоралараро комиссия 3-иловага мувофиқ таркибда ташкил этилсин.

2016 — 2018 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича тадбирлар комплексини (кейинги ўринларда Тадбирлар комплекси деб аталади) бажариш юзасидан вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш вазифалари Идоралараро комиссияга юклансин, Тадбирлар комплексининг ўз вақтида сифатли ва тўлиқ бажарилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатилсин.

4. Тадбирлар комплексининг бажарилиши учун масъул бўлган вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар тегишли чора-тадбирларнинг ўз вақтида сифатли ва тўлиқ амалга оширилишини ташкил этсинлар ҳамда йилнинг ҳар чорагида Идоралараро комиссияга уларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларни тақдим этсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги электрон тижорат соҳасида инфратузилмани фаол ривожлантиришни ҳамда унинг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш учун республиканинг барча ҳудудларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишни янада кенгайтириш ва телекоммуникациялар тармоқларини такомиллаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрсин.

6. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўз идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирадилар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 4 декабрь,  
353-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2015 йил 4 декабрдаги 353-сон қарорига  
1-ИЛОВА

## **2016 — 2018 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш КОНЦЕПЦИЯСИ**

### **I. Кириш**

1. 2016 — 2018 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда Концепция деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Электрон тижорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2015 йил 22 майдаги ЎРҚ–385-сон Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2015 йил 8 сентябрдаги 259-сон қарорини бажариш юзасидан ишлаб чиқилган.

2. Концепция ўртача муддатли истиқболда электрон тижоратни ривожлантиришнинг, рақобат муҳитини кенгайтиришнинг, янги инфратузилма ўсишининг ва қўшимча иш ўринлари яратишнинг йўллари, шакллари белгилашнинг, шунингдек электрон тижорат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини белгилайди.

3. Концепция Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қоидаларига, Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек электрон тижорат бозорининг ҳозирги ҳолатини, илмий прогноз ишланмаларни ўрганиш, халқаро ташкилотларнинг эксперт материалларини таҳлил қилиш натижаларига асосланади.

### **II. Ўзбекистон Республикасида электрон тижорат бозорининг жорий ҳолати**

4. Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни тартибга солишчи норматив-ҳуқуқий база шакллантирилмоқда, «Электрон тижорат тўғрисида», «Алоқа тўғрисида», «Ахборотлаштириш тўғрисида», «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида», «Ахборотдан фойдаланиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Телекоммуникациялар тўғрисида», «Почта алоқаси тўғрисида», «Электрон рақамли имзо тўғрисида» ва «Электрон ҳужжатлар айланиши тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди.

Замонавий электрон иловалар ва тўлов ечимларини кенг жорий этиш йўли билан янги ахборот технологияларидан фаол фойдаланган ҳолда дав-

лат органлари, тадбиркорлик субъектлари ва жисмоний шахсларнинг тезкор ўзаро ҳамкорлик қилиши имконини берувчи телекоммуникация инфратузилмаси ривожланмоқда.

Қўллаш амалиёти ҳисобга олинган ҳолда электрон тўлов тизими механизми ҳамма жойда жорий этилмоқда ва доимий равишда такомиллаштирилмоқда, тижорат банклари томонидан банк ҳисоб рақамларини масофадан бошқариш хизматларининг кенг доираси тақдим этилмоқда, бу охириги беш йилда фойдаланувчилар сонини 20 баравардан ортиқ, интернет-банкнинг ва мобиль банкнинг хизматларини эса — 21 мартадан ортиқ кўпайтириш имконини берди.

Республикада EMV стандартига ўтилган ҳолда Uzkart ягона банклараро тўлов тизими амал қилмоқда ва ривожланмоқда, у микрочип модулларли пластик карточкалар билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун 26 та тижорат банкнинг тўлов тизимларини бирлаштиради.

Ахборот хавфсизлиги чоралари тизимли асосда амалга оширилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги хузуридаги «Электрон ҳукумат» тизимини ривожлантириш маркази ҳамда Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2013 йил 16 сентябрдаги 250-сон қарорига мувофиқ Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази ташкил этилди. «Электрон ҳукумат» порталининг ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базалари комплексларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, давлат органларининг ахборот тизимлари ва ресурслари ахборот хавфсизлиги сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда кўмаклашиш ушбу Марказнинг вазифалари ҳисобланади.

Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини реализация қилишнинг биржа механизмлари ривожланди.

Жумладан, 2001 йилдан бошлаб Ўзбекистоннинг товар-хом ашё биржаларидаги барча битимлар электрон тизимларда тузилмоқда, 2004 йилдан бошлаб эса — маҳаллий ишлаб чиқарувчилар моддий-техник ресурсларининг энг муҳим турлари Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасининг электрон савдоларида сотилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланишни, товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб беришга давлат буюртмаларини олишга тадбиркорлик субъектларини қўйишни кенгайтиришни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат харидлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида» 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1475-сон қарори билан электрон кимошди савдолари орқали давлат харидларини амалга ошириш механизми жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасининг махсус ахборот портали орқали электрон савдо йўли билан тадбиркорлик субъектларидан энг зарур товарлар (ишлар, хизматлар)нинг давлат харидини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2015 йил 26 мартдаги 69-сон қарорига муво-

фиқ 2015 йил 1 июндан бошлаб товар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш электрон каталог орқали амалга оширилмоқда.

### III. Концепциянинг мақсади ва вазифалари

5. 2016 — 2018 йилларда электрон тижорат соҳасида ягона сиёсат стратегиясини белгилаш, тадбиркорликни ривожлантириш ва тадбиркорлик субъектларининг ўзаро ҳамкорлиги учун тенг шарт-шароитлар яратиш Концепциянинг мақсади ҳисобланади.

6. Қуйидагилар Концепциянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

электрон тижорат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш; келгусида ушбу бизнес-сегментда ривожланган мамлакатларга яқинлашган даражага эришишни назарда тутган ҳолда электрон тижорат соҳасида тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш; электрон тижорат инфратузилмасини, шу жумладан телекоммуникациялар тармоғини янада ривожлантириш ва модернизациялаш;

товар айланмасини, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, истеъмол бозори талабига мувофиқ ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш;

интеграциялаштирилган савдо ва маркетинг платформаларини, интернет-магазинларни, янада такомиллаштирилган тўлов тизимларини, шунингдек электрон тижоратда логистика тизимини яратиш;

тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, халқаро стандартларга йўналтирган ҳолда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш;

электрон тижорат соҳасидаги илғор хорижий тажрибани ўрганиш, таҳлил қилиш ва қўллаш.

### IV. Электрон тижоратни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари

7. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ҳисобланади:

а) жараён иштирокчиларига электрон турда тузилган битимларнинг ҳақиқийлиги ва мажбурийлигига шубҳа туғилишини истисно этадиган кафолатларни таъминлашни назарда тутган ҳолда электрон тижоратни;

электрон тижорат соҳасида тўлов операцияларини, пул маблағлари оқимларини масофадан бошқаришда хавфсизликни таъминлаш, халқаро почта жўнатмалари юзасидан божхона назоратини амалга ошириш механизмларини ва шу кабиларни тартибга солиш бўйича қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш;

б) қуйидагиларни:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, шу жумладан электрон тижоратнинг умумий жараёни, электрон ҳужжатларнинг

ягона шакллари жорий этиш, электрон пул карталаридан фойдаланишни рағбатлантириш механизмларининг муаллифлик-ҳисоб-китоб қисмини белгиловчи стандартларни;

кўчмас мулкни сотиш, товарлар (ишлар, хизматлар) ва хизматлар билан электрон савдо қилиш тартибини, рекламани тарқатиш, шу жумладан электрон ҳужжатларни оммавий жўнатиш тартибини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

в) ривожланган мамлакатлар даражасига яқинлашишга йўналтирган ҳолда электрон тижорат соҳасида тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

г) халқаро стандартни дастурий таъминлашни жорий этиш ва ундан фойдаланиш, юқори тезликдаги интернет-хизматларни интеграциялаш йўли билан электрон тижорат инфратузилмасини янада ривожлантириш;

д) етказиб берувчиларни танлаш механизмларини такомиллаштириш йўли билан корпоратив харидларнинг электрон тизимларига босқичма-босқич ўтиш, шартнома мажбуриятлари бажарилиши кафолатларини таъминлаш;

е) қўйидагиларни назарда тутувчи тадбирларни амалга ошириш ҳисобига тадбиркорлик субъектларини ва қўшимча иш ўринларини ташкил этиш: электрон тижорат соҳасида бизнесни ва ўз бизнесини ташкил этишда ҳамда солиқ солишда касбий билимлар ва кўникмаларни чуқурлаштириш учун имкониятларни реклама қилиш бўйича кенг кўламли ахборот-таълим кампаниясини ўтказиш;

ахборот-коммуникация технологиялари негизида инфратузилмани янада ривожлантириш ва кенгайтириш, электрон тижорат соҳасида хавфсизликни таъминлаш;

айниқса қишлоқ жойларда аҳоли ва тадбиркорларнинг, Интернетнинг бутунжаҳон тармоғидан фойдаланишини кенгайтириш;

ж) таълим берувчи семинарлар ўтказиш, шу жумладан оммавий ахборот воситалари орқали бепул маслаҳат хизматларини ташкил этиш йўли билан манфаатдор контингентнинг хабардорлиги даражасини ошириш ва бизнесни ривожлантиришда устуворликларни танлашга кўмаклашиш;

з) бизнес ва истеъмолчиларнинг манфаатлари мувозанатини таъминлаш.

## **V. Электрон тижоратнинг Интернет-платформаларини ташкил этиш**

8. Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасининг махсус ахборот порталини ва иштирокчиларни рўйхатга олиш тартиботларини энг кўп даражада содаллаштириш ва тезлаштиришни, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ахборотларидан фойдаланиш ҳажмини кенгайтириш, савдо-ни юритиш жараёнларининг шаффофлигини таъминлашни назарда тутган ҳолда давлат харидлари, корпоратив харидлар жараёнларини янада ривожлантириш.

9. Маҳаллий ишлаб чиқариш товарларини экспорт қилишни кенгайтиришга йўналтирилган «Ташқи савдо фаолияти миллий портали» интернет-платформани яратиш.

## **VI. Таълим муассасаларида мутахассислар тайёрлаш, электрон тижорат соҳасида ходимлар малакасини ошириш**

10. Қўйидагиларни назарда тутувчи тадбирларни амалга ошириш: электрон тижорат соҳасида тадбиркорлик субъектлари ходимлари ва аҳолини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга кўмаклашиш;

таълим муассасаларида электрон тижорат соҳасида мутахассисларнинг малакасини ошириш курсларини мунтазамлилик асосида ўтказишни амалиётга жорий этиш;

таълим тизимига электрон тижорат соҳасида илғор халқаро стандартларга мувофиқ бўлган янги йўналишлар ва мутахассисликларни жорий этиш.

## **VII. Концепцияни амалга ошириш механизми**

11. Концепцияни рўёбга чиқариш 2016 — 2018 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича Тадбирлар комплексини (кейинги ўринларда Тадбирлар комплекси деб аталади) ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажариш йўли билан амалга оширилади.

12. Тадбирлар комплексининг барча қисмлари ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажарилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш 2016 — 2018 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни ривожлантириш концепцияси амалга оширилишини таъминлаш бўйича Идоралараро комиссия томонидан (кейинги ўринларда Идоралараро комиссия деб аталади) амалга оширилади.

13. Идоралараро комиссия:

Тадбирлар комплексини амалга ошириш юзасидан вазирликлар, идоралар ва масъул бажарувчилар бўлган бошқа ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилишни;

электрон тижорат соҳасидаги амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ва янгиларини ишлаб чиқишни;

электрон тижорат соҳасига халқаро ташкилотлар ва хорижий инвесторларни жалб этиш учун шарт-шароитлар яратилишини;

электрон тижорат соҳасида тегишли тадбирлар бажарилиши юзасидан мунтазам равишда мониторинг олиб борилишини ташкил этишни таъминлайди.

14. Комиссия:

электрон тижоратни тартибга солиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ташаббуси билан чиқиш;

электрон тижоратни ривожлантириш тадбирларини амалга ошириш юзасидан бажарилган ишлар тўғрисида вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг ҳисоботларини эшитиш;

республикада электрон тижоратнинг жорий ҳолатини таҳлил қилиш ҳамда вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг таклифлари асосида электрон тижоратни янада ривожлантиришга йўналтирилган қўшимча чораларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳуқуқига эга.

15. Вазирликлар, идоралар ва масъул бажарувчилар бўлган бошқа ташкилотлар:

Тадбирлар комплексида қўйилган вазифалар белгиланган муддатларга ва ишлар ҳажмига мувофиқ ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажарилишини;

навбатдаги ҳисобот йилида тегишли тадбирларни амалга ошириш бўйича ишлар режаси ишлаб чиқилишини ва ҳар йили Идоралараро комиссияга тақдим этилишини;

Тадбирлар комплексида қўйилган вазифаларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисоботларнинг ҳар чоракда Идоралараро комиссияга тақдим этилишини таъминлайдилар.

### **VIII. Вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг электрон тижорат соҳасидаги функционал вазифалари**

16. Концепцияни амалга оширишни, шунингдек давлат даражасида манфаатларни келишиш бўйича электрон тижоратни жадал ривожлантириш юзасидан вазифаларни ҳал этишда вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг фаолиятини умумий мувофиқлаштириш электрон тижорат соҳасида ваколатли орган ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан таъминланади.

17. Дастурий таъминлаш ва ахборот хавфсизлиги соҳасида техник тартибга солиш соҳасида норматив ҳужжатларни янада такомиллаштириш Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги томонидан таъминланади.

18. Экспорт-импорт операцияларини такомиллаштиришга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Марказий банк томонидан амалга оширилади.

19. Электрон тижорат соҳасида тўлов операцияларини амалга ошириш ва янада такомиллаштириш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан таъминланади.

20. Иқтисодиётда электрон тижорат секторларининг ролини тавсифладиган индикаторларни шакллантириш, электрон тижорат секторларида танланадиган статистика текширувларини жорий этиш учун ахборот базасини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан таъминланади.

21. Ишончли рақобат муҳитини, тарқатиш тартибига риоя қилиш юза-



сидан назорат қилишни ва рекламанинг мазмунига қўйиладиган талабларни, офертани, электрон хабарларни оммавий жўнатишни таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва ракобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан амалга оширилади.

### **IX. Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар**

22. Концепцияни амалга ошириш натижасида:

тегишли савдо платформалари, интернет-магазинлар ва ахборот воситачилари сонини кўпайтириш ҳисобига транзакциялар, товар айланмаси, маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) экспорти ҳажмлари ўсиши;

аҳоли пунктларининг ахборот-коммуникация технологиялари билан камраб олиниши, шунингдек банк карталаридан фойдаланувчи шахслар улуши кўрсаткичлари кўпайиши;

ички ва ташқи бозорларда тадбиркорлик субъектларининг самарали ракобат қилиши учун шарт-шароитлар шаклланиши, тижоратнинг инновацион усуллари доираси кенгайиши;

давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятида ахборот технологияларини кенг қўллаш учун янги имкониятлар очилиши, давлат харидлари ва корпоратив харидларнинг электрон шаклда амалга оширилиши;

илғор ахборот технологиялари электрон тижорат соҳасидаги муносабатларни тартибга солишнинг янги воситаларини янада жорий этишни давом эттириш;

тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш, қўшимча иш ўринлари ташкил этиш кутилмоқда.

**2016 — 2018 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида электрон тижоратни  
ривожлантириш концепциясини амалга ошириш бўйича  
ТАДБИРЛАР КОМПЛЕКСИ**

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Амалга ошириш муддатлари	Масъул бажарувчилар
<b>I. Электрон тижоратнинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, электрон тижоратни амалга ошириш стандартларини, шаклларини, шунингдек механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш</b>				
1.	Электрон тижоратнинг тўлов операциялари соҳасидаги қонунчиликни янада такомиллаштириш.	Тадбирлар режаси	2016 йил I чорак	Марказий банк, Иқтисодиёт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, ДСҚ
2.	Товарлар (ишлар, хизматлар) электрон савдоси қоидаларини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда киритиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори	2016 йил I чорак	Иқтисодиёт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, ДСҚ, Марказий банк, ССП
3.	Электрон тижоратда рекламаларни жойлаштириш, электрон ҳужжатларни ёки электрон хабарларни оммавий жўнатиш тартибини такомиллаштириш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар	2016 йил I чорак	Давлат рақобат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Марказий банк
4.	Электрон тижорат секторини тавсифловчи индикаторларни шакллантириш мақсадида электрон тижорат соҳасида статистик текширишларни ўтказиш учун давлат статистика ҳисоботларининг тегишли шаклларига ўзгартиришлар киритиш.	Давлат статистика ҳисоботлари шакли	2016 йил II чорак — ўзгартиришлар; ҳар чоракда — тақдим этиш	Давлат статистика қўмитаси, ДСҚ, Иқтисодиёт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Марказий банк
5.	Битимларни амалга ошириш, электрон тижоратда қўлланадиган электрон ҳужжатларни ва электрон хабарлардаги ахборотларни сақлаш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	2016 йил II чорак	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банк, Молия вазирлиги, ДСҚ

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Амалга ошириш муддатлари	Масъул бажарувчилар
6.	<p>Электрон тижоратдаги битимларни бажариш бўйича қўйидаги форматлардаги электрон ҳужжатларнинг ягона шакллари жорий этиш:</p> <p>хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги электрон битимлар (B2B);</p> <p>хўжалик юритувчи субъектлар ва аҳоли ўртасидаги электрон битимлар (B2C);</p> <p>хўжалик юритувчи субъектлар ва давлат ўртасидаги электрон битимлар (B2G);</p> <p>жисмоний шахслар томонидан хизматлар тўлови бўйича электрон битимлар (G2C);</p> <p>юрдик шахслар томонидан хизматлар тўлови бўйича электрон битимлар (G2B).</p>	Норматив-ҳуқуқий ҳужжат	2016 йил II чорак	Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банк, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, ДСҚ, ССП
7.	Электрон ярмаркалар, аукционлар, танловлар ва кўрғазма-ярмарка савдосини ташкил этиш фаолиятини амалга оширувчи ахборот воситачилари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда киритиш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори	2016 йил II чорак	«ЎзРТХБ» АЖ, Иқтисодиёт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, ССП
8.	Ушбу соҳадаги фаолиятни амалга оширишда электрон тижорат қатнашчиларининг мумкин бўлган таваккалчиликларини камайтириш бўйича қонунчиликни ўрганиш ва уни такомиллаштиришга доир таклифлар киритиш.	Таклифлар киритиш	2016 йил II чорак	Иқтисодиёт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Марказий банк, ДСҚ, ДБҚ
9.	<p>Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржасининг давлат ва корпоратив харидларини ва уларни амалга ошириш жараёнларининг махсус ахборот порталини қўйидагилар ҳисобига янада такомиллаштириш бўйича ўзгартiriшлар киритиш:</p> <p>рўйхатдан ўтказиш тартиботларини соддалаштириш ва жадаллаштириш;</p> <p>электрон давлат корпоратив харидлари порталидан фойдаланувчилар учун қўшимча сервислар комплексини яратиш;</p> <p>харидлар жараёнида олдиндан келишиб олиш ва нархларни манипуляция қилиш имкониятининг олдини олиш;</p>	Вазирлар Маҳкамаси қарори	2016 йил II чорак	Давлат рақобат қўмитаси, «ЎзРТХБ» АЖ, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, ССП

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Амалга ошириш мuddатлари	Масъул бажарувчилар
	қоида бузилишларининг олдини олиш бўйича таъсирчан мониторинг ва назорат қилиш механизмини жорий этиш.			
10.	Электрон тижоратда экспорт битимларини ҳисобга олиш тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	Тадбирлар режаси	2016 йил II чорак	ДБК, Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банк, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, «ЎзРТХБ» АЖ
11.	Электрон тижорат доирасида халқаро почта ва курьер жўнатмаларини божхонада назорат қилиш ҳамда божхонада расмийлаштиришни тартибга солиш ва ўтказишни ташкил этиш тартибини такомиллаштириш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар	2016 йил IV чорак	ДБК, Иқтисодиёт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги, «Ўзбекистон почтаси» АЖ
12.	Интерактив тизимларда, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида онлайн режимидаги пул маблағлари оқимларини масофадан бошқаришда хавфсизликни таъминлаш механизмини такомиллаштириш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар	2016 йил III чорак	Марказий банк, Иқтисодиёт вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги, ДСҚ
13.	Электрон тижорат қатнашчилари ўртасида банк ахборотларини ва молиявий ахборотларни айирбошлаш бўйича талабларни белгилаш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар	2016 йил III чорак	Марказий банк, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, ДСҚ
14.	Электрон тижорат соҳасидаги почта алоқасини, шу жумладан посилкаларни жўнатишни давлат томонидан тартибга солишни такомиллаштириш.	Вазирлар Маҳкамаси қарори	2016 йил III чорак	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Давлат рақобат қўмитаси, ДБК, Молия вазирлиги, ССП, «Ўзбекистон почтаси» АЖ
15.	Электрон тижорат тўғрисидаги қонунчилик талабларини ўз вақтида ва тўлиқ бажариш учун қатнашчиларнинг, ахборот воситачиларининг ва бошқа субъектларнинг масъулиятини ошириш бўйича таклифлар тайёрлаш.	Таклифлар киритиш	2016 йил IV чорак	Иқтисодиёт вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, ДСҚ, ДБК, Марказий банк
16.	Электрон тижорат доирасида кўчмас мулкни реализация қилиш қоидаларини белгилаш.	Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар	2016 йил IV чорак	Давлат рақобат қўмитаси, «Кўчмас мулк савдо хизмати» МЧЖ, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Амалга ошириш мuddатлари	Масъул бажарувчилар
<b>II. Ахборот-коммуникация технологиялари негизда электрон тижорат инфратузилмасини ривожлантириш</b>				
17.	Интернет магазинларини ҳисобга олиш учун www.uz ахборот қидириш тизимида «Электрон тижорат» бўлимини яратиш.	Бўлимни яратиш	2016 йил I чорак	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги
18.	Тўлов тизимларини жорий этишни ҳисобга олган ҳолда e-kommunal портални янада такомиллаштириш.	Тадбирлар режаси	2016 йил I чорак — ишлаб чиқиш; 2016 йил II чорак — амалга ошириш	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, «Ўзкоммухизмат» агентлиги, Марказий банк, Банклар уюшмаси, Иқтисодиёт вазирлиги, «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АК
19.	Электрон тижоратда Онлайн-ўқитиш миллий портални яратиш.	Портални ва ўқитиш дастурини яратиш	2016 йил II чорак	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат рақобат қўмитаси, Ўрта махсус, касб-хунар таълим маркази, «ЎзРТХБ» АЖ
20.	«Ташқи савдо фаолиятининг миллий портали» интернет-платформасини яратиш йўли билан бажариш кафолатларини таъминлашни ва тизимли маркетинг олиб боришни ҳисобга олган ҳолда, электрон тижоратдан фойдаланган ҳолда товарлар экспортини кенгайтириш.	Тадбирлар режаси	2016 йил III чорак — ишлаб чиқиш; 2016 йил IV чорак — амалга ошириш	Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Марказий банк, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги
21.	Аҳоли пунктларини қамраб олишни: 2016 йилда — 30 фоизгача; 2017 йилда — 50 фоизгача; 2018 йилда — 65 фоизгача етказиш йўли билан айниқса қишлоқ жойларда аҳолининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишини кенгайтириш.	Тадбирлар режаси	2016 — 2018 йиллар	Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари
<b>III. Электрон тижорат соҳасида кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш</b>				
22.	Электрон тижорат соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва тадбиркорлик субъектлари ходимлари ва аҳоли малакасини ошириш.	Тадбирлар режаси	2016 йил II чорак	Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Иқтисодиёт вазирлиги,

Т/р	Тадбирлар номи	Амалга ошириш шакли	Амалга ошириш муддатлари	Масъул бажарувчилар
				Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги
23.	Электрон тижорат соҳасида фаолиятни амалга ошириш тартиби ва механизмларини кенг тушунтириш бўйича жойларда семинарлар ва амалий ўқувлар ўтказиш.	Тадбирлар режаси	2016 йил II чорак	Иқтисодиёт вазирлиги, ССП, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари

Вазирлар Маҳкамасининг  
2015 йил 4 декабрдаги 353-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**2016 — 2018 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида  
электрон тижоратни ривожлантириш концепцияси амалга  
оширилишини таъминлаш бўйича Идоралараро комиссия  
ТАРКИБИ**

- Саидова Г.К. — Иқтисодиёт вазири, Идоралараро комиссия раиси
- Мирзохидов Х.М. — Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири, Идоралараро комиссия раисининг ўринбосари
- Эргашев И.К. — Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари
- Мирзаев М.М. — Молия вазирининг ўринбосари
- Парпиев Б.Р. — Давлат солиқ қўмитасининг раиси
- Дусанов З.А. — Давлат божхона қўмитасининг раиси
- Тўраев Б.Э. — Давлат статистика қўмитасининг раиси
- Хайдаров А.Я. — Марказий банк раисининг ўринбосари
- Гафаров С.Х. — Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари
- Курбонов А.К. — «Ўзстандарт» агентлигининг бош директори
- Исмаилов В.В. — Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг бошлиғи
- Нагаев А.Р. — «Ўзбекистон Республика товар-хом ашё биржаси» АЖ бошқарувининг раиси
- Шайхов А.Э. — Савдо-саноат палатасининг раиси
- Хаджаев А.Ж. — Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг раиси
- Махмудов Ш.Н. — «Ўзтрансгаз» АК бош директори
- Басидов И.С. — «Ўзбекэнерго» АЖ бошқаруви раиси
- Холмухамедов Ў.О. — «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг бош директори
- лавозимига кўра — Иқтисодиёт вазирлиги хизматлар ва сервис соҳасини ривожлантириш бўлимининг бошлиғи, Идоралараро комиссия котиби.

Изоҳ: идоралараро комиссия аъзолари бошқа ишга ўтган тақдирда Комиссия таркибига ушбу лавозимларга янгидан тайинланган шахслар ёхуд зиммасига тегишли функцияларни бажариш юкланган шахслар киритилади.